Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 29 ноябрь, шанба • № 95 (10.974) • Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

УРУҒЛИК ЎЗИМИЗДАН

Вилоятимиз келгуси йил учун картошка уруғини ўзи тайёрлаши ҳақида илгари хабар қилган эдик. Ҳозир 20 та хўжаликнинг ҳаммасида ҳаракатлар зое кетмаганлигини кўрсатди.

Уруғлик тайёрлаш бўйича айниқса Паркент туманининг "Гулбоғ", "Бойқозон", "Навбаҳор", "Бўстон" жамоа ва ижара жамоа хўжаликлари юқори натижаларга эришдилар. Бу жойларда республика "Ўзкартошка" фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ гектаридан ўртача 18 тоннадан маҳсулот қазиб олинди.

Мазкур хўжаликларнинг айрим бригадаларида гектар бошига ҳосилдорлик 25 тоннага етди. Зангиота туманининг "Бўзсув", "Қорасув" жамоа хўжаликларида ҳам уруғлик картошка ҳосили юқори бўлди.

Саид ВАЛИЕВ.

НОГИРОНЛАР ХУРСАНД

ҚИБРАЙ туманида 600га яқин фуқаро ногиронлик нафақаси олади. Ҳокимлик, фахрийлар кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ногиронларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнгилларини шод этиб туришга ҳамиша катта эътибор бериб келадилар.

Бу ерда 3 декабрь — халқаро ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш куни олдидан ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилди. Энг муҳтож ногиронлар ҳисобга олиниб, уларга 5 та эшитиш аппарати, 4 та аравача, анчагина хасса ва қўлтиқтаёқлар совға қилинди. Анжомлар уларнинг уйларига етказилди. Шу билан бирга 35 ногиронга ўзларининг саломатликларини мустаҳкамлаб келишлари учун республикамиздаги турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди.

Абдулҳамид ФОЗИЛОВ.

ЙИҒИЛИШ ТЎЙТЕПАДА БЎЛДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани босмахонасида вилоят матбаачиларининг 1997 йилнинг ўн ойлик якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимлиги матбуот бошқармасининг бошлиғи Шавкат Миролимов олиб борди.

Йиғилишда бошқарма бошлиғининг мухандиси Михаил Кравчук Ўртачирчиқ тумани босмахонасида чоп этилаётган "Машъал" ва Пскент тумани "Меҳнат байроғи" газеталарининг мазмуни, безаги, жамоалар ўртасидаги меҳнат шартномаларининг қандай бажарилаётганлигини атрофлича таҳлил этди. У бугунги кунда босмахоналар замонавий технология билан жиҳозланаётгани, компьютерлар тизими газеталарни сифатли чиқараётганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда матбуотимиздаги айрим муаммолар ҳам тилга олинди. Уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

УЧИНЧИ СУВ

Тошкент туманидаги "Тошкент" жамоа хўжалиги ўтган йилдаги сингари бу йил ҳам 282 гектар майдонга ғалла экди. Эрта сепилган уруғ бир текис униб чиқди.

Шу кунларда майсалар озиқлантирилиб, учинчи марта суғорилмоқда. Оилавий ижара пудрати асосида ишлаётган Худойберган Тошмуродов, Абдусаттор Азимов, Николай Подлипаев бошлиқ бригадаларда ғалла майсаларини молҳолларга топтатмай тўла сақлаб қолиш тадбирлари кўриляпти. Хўжалик ғаллакорлари келгуси йилда ҳам камида минг тонна ғалла етиштириб, шунинг 857 тоннасини шартнома бўйича давлатга топширишга қарор қилганлар.

Тузалбек ДЎСОНОВ.

ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ туманида 1998 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Туман аҳли "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда", "Халқ сўзи", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳамда "Янгийўл" туман газеталарига ёзилмоқдалар.

Бу борада Янгийўл шаҳар алоқа тармоғи, туман матлубот жамияти, Янгийўлгаз идораси, "Мебель" фабрикаси жамоалари олдинги сафда боришмоқда. Шунингдек, айрим корхона раҳбарлари ўзларининг илғор ишчи-ходимларини ҳамда кам таъминланган оилаларни газета ва журналларга обуна қилишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Шавкат ҚУЛИБЕК.

МАМЛАКАТИМИЗДА АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

БУ КУНЛАР ШОИР ОРЗУСИ ЭДИ

Шу кунларда халқимизнинг оташқалб фарзанди, миллат ва мустақиллик куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Фанлар Академияси, республика Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Маънавият ва маърифат" республика жамоатчилик маркази ҳамкорликда ўтказган илмий конференция ҳам "Шарқ халқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижоди" мавзусига бағишланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг мажлислар залида бўлиб ўтган бу анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг раиси Алишер Азизхўжаев кириш сўзи билан очди. У жумладан шундай деди:

— Бугун халқимиз ҳақли равишда эъзозлаётган Абдулҳамид Чўлпоннинг хизмати нимада эди? Атоқли ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби бўлган бу инсон, аввало, халқимиз тафаккурига миллат тақдири, ватан ва мустақиллик туйғусини сингдиришга интилгани билан ҳам қимматлидир. Унинг ҳар бир шеърида, роман ва ҳикояларида, драматургиясида бу нарса яққол кўзга ташланиб туради. Афсуски, собиқ тузум сиёсати Чўлпон ва унга ўхшаш асл ватан фарзандларининг ижоди ва фаолиятини кўп вақт мобайнида қоралаб талқин қилди. Эндиликда эса, юртимизнинг мустақилликка эришгани боис, бободаримизнинг орзу-истаклари рўёбга чиқмоқда, номлари тикланмоқда. Нафақат иқтисодиётда, балки фан ва маданиятимиз, миллий қадриятларимизни ривожлантиришда ҳам кўп саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Республикамиздаги бундай улкан ўзгаришлар, халқимизнинг ўтмиш тарихини ўрганиш ва асраб-авайлашга бўлган эътибор, ҳатто, хорижлик дўстларимизни ҳам қайратда қолдирмоқда. Биз мана шундай юксалиш йўлидан бораётган юрт фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Ўз даврида чинакам озодлик учун курашган, ўлмас асарлар яратган аждодларимиз борлигидан ғурурланамиз. Биз эришган бу кунлар Чўлпоннинг ҳам орзуси эди. Бугунги кунда унинг армонлари ушалмоқда. Ана шундай асрий орзуларни амалга ошириш имконини бергани учун ҳам биз мустақилликнинг қадрига етмоғимиз даркор.

Конференцияда шу куни тарих фанлари доктори Дилором Алимова, филология фанлари доктори Наим Каримов, Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси Бахтиёр Назаров, профессор Озод Шарофиддинов, ЎзФА мухбир аъзоси Салоҳиддин Мамажонов ва филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоевларнинг Чўлпоннинг Шарқ миллий уйғониш ҳаракати ва Туркистон халқларининг тарихий тақдирида тутган ўрни, унинг ижоди ва ҳаёти ҳақида илмий маърузалар қилдилар.

Анжуманда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов қатнашди.

Шоир таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантаналар бугун у туғилиб ўсган Андижонда давом этмоқда.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Вилоят ҳокимлигида

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

КЕЧА Тошкент вилояти ҳокимлигида ушбу ҳокимлик вакиллари Хитой Халқ Республикасидан келган делегация аъзолари билан учрашув ўтказди.

Сичуань ва Тошкент вилояти ўртасидаги қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш мавзусида бўлиб ўтган учрашувда икки давлат ўртасидаги қадимий алоқаларни янада ривожлантириш, Тошкент вилояти ҳудудида янги қўшма корхоналар барпо этиш, ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда анъанавий хитой усулида даволаш йўлларини татбиқ қилиш каби масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, Сичуань вилоятининг "Hai Wai" сайёҳлик бошқармаси ва Тошкент вилояти туризм идоралари ўртасида муносабатлар ўрнатиш юзасидан келишиб олинди.

Учрашувда Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев, ҳоким ўринбосари Бахтиёр Ҳосилов, республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Тошкент вилояти бўйича мухтор вакили бошқармаси бошлиғи Азим Раҳмонбердиев, Хитой делегацияси раиси Лю Тонгда, Сичуань вилояти товарлар сифати инспекцияси бошқармаси бошлиғи Лианг Зипенг, Сичуань вилоятининг сайёҳлик бошқармаси бошлиғи муовини Суи Цивеи ҳамда савдо ва туризм ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Учрашувда ҳар икки томон вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Рўзибой ҲАМИДОВ.

ИШОНЧНИНГ УМРИ УЗУН

Муносабат

1997 ЙИЛ ҳам ўз интиҳосига етмоқда. Ўтаётган йил Ўзбекистон ташқи сиёсатида, жаҳон ҳамжамияти ва ватанимизнинг хориж давлатлари билан икки томонлама муносабатларида чуқур из қолдирди. Мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг ишончли ва мустаҳкам таянчи сифатида обрў-эътибор топди. Шу нуқтаи-назардан қараганда Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланиб, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Кейинги икки йил ичида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда Ўзбекистон — Америка муносабатлари стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йили АҚШга қилган расмий сафари ва Президент Билл Клинтон билан учрашуви икки томонлама алоқалар истиқболини белгилаб берди. Мазкур ташрифнинг самараси ўлароқ ўтган муддат ичида АҚШнинг кўплаб нуфузли делегациялари юртимизга ташриф буюрди. Американинг жаҳонга машҳур компаниялари ва банклари билан бир нечта лойиҳалар бўйича битимлар имзоланди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" белгиси остида "Боинг" самолётлари кўкда парвоз қилаётган бўлса, ерда "Кейс корпорейшн" компанияси тракторлари, комбайнлари ўзбек деҳқонининг оғирини енгил қилмоқда. Айниқса, мазкур компания билан "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" ва Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи муассислиғида "Узкейсмаш" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасини барпо этилиши қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор бераётган юртимиз учун, қишлоққа янги техника ва технологияларни олиб киришда улкан, муваффақиятли қадам бўлди, дейиш мумкин. Шу йилнинг октябрь ойида АҚШнинг жаҳонда пахта савдоси билан шуғулланувчи "Дановант Энтерпрайсиз" компанияси бошқаруви раиси кенжа Уилям Б. Дановант бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ҳам пахта саноатига замонавий технологияларни жалб этиш борасида ижобий натижалардан умидлантиради.

Маълумки, икки мамлакат президентлари ташаббуси билан Ўзбекистон — Америка Қўшма комиссияси тузилди. АҚШ дунёда фақат етти давлат билангина шундай комиссия тузганлигини ҳисобга олсак, океан ортида Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга эътибор кучли эканлигини ва бу нарса мамлакатларимиз манфаатларига тўла мос тушишини яққол тасаввур этамиз. 1 ноябрь куни Президентимиз Ислом Каримов АҚШ Давлат котибининг МДҲ бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилар экан, жумладан, шундай деган эди: "Биз сизни нафақат АҚШ расмий доираларининг вакили, балки, Ўзбекистон — Америка Қўшма комиссиясининг раҳбари деб ҳам биламиз. Давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа масалаларни мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган мазкур комиссиянинг тузилиши ўзаро муносабатлардаги ижобий қадамдир".

Яқинда АҚШнинг мамлакатимиздаги собиқ Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стэнли Т. Эскудеро сенатда сўзга чиқиб, кейинги икки-уч йил ичида Ўзбекистон Американинг етакчи ҳамкорига айланганини ва шу вақт ичида маҳсулот экспорт қилиш 600 фоизга ўсганлигини эътироф этди. Ўзбекистон гиёҳвандликка, уюшган жиноятчиликка қарши курашда АҚШ билан ҳамкорлик қилаётганлиги, шунингдек, инвестицияларга кенг йўл очилганлиги алоҳида қайд этилди.

НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ҳам Ўзбекистон — Америка муносабатлари ривожини кўриш мумкин. Чирчиқ полигонида ўтказилган "Центразбат-97" ҳарбий машқларида 500 нафар америкалик аскарлар Марказий Осиёлик ва Россия, Туркия ҳарбийлари билан биргаликда белгиланган топшириқларни бажардилар. Ўз навбатида АҚШда мазкур дастур доирасида ўтказилган ҳарбий машқларда ўзбекистонлик зобиту аскарлар ҳам муваффақият билан иштирок этиб қайтдилар.

Дунёда кечаётган воқеаларга муносабат ва БМТни ислоҳ қилиш жараёнида ҳам Ўзбекистон тутаётган йўл АҚШ расмий позициясига ҳамоҳанг эканлигини ушбу давлатнинг қатор йирик сиёсатчилари эътироф этишди. АҚШнинг БМТдаги вакили Б. Ричардсон баёнот бериб, тожикистонлик қочоқларни юртига қайтариш масаласида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тутаётган йўл олқишга сазовор, деди. Ўзбекистоннинг Афғонистон ва Тожикистонда тинчлик ўрнатиш ташаббуслари ҳам АҚШда катта қизиқиш уйғотиб, қўллаб-қувватланмоқда.

АҚШ конгресси ҳам икки давлат ўртасида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, АҚШ конгресси вакиллар палатасининг ташкилий-процессуал қўмитаси раиси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзоларининг юртимизга ташрифи ва Президентимиз Ислом Каримов билан, шунингдек, Олий Мажлисда ўтказган учрашуви, айниқса, самарали бўлди. Мазкур ташриф икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Давлатларимиз ўртасида вужудга келган дўстона алоқаларнинг истиқболи янада ҳайрлидир. АҚШнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритаётган сармоялари миқдори тобора ошиб бормоқда. Американинг йирик нефть компанияларининг юртимиз ёқилғи-энергетика заҳираларига қизиқиши кучаймоқда. Икки томонлама дастур ва лойиҳалар салмоғи, айниқса, инсонпарварлик соҳаларидаги ҳамкорлик миқёслари қувонарлидир. Шу ўринда АҚШ Президентининг рафиқаси Ҳиллари Клинтон хонимнинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоятда муваффақиятли бўлганлигини таъкидлаб, унинг "Биз демократия йўлида сизлар билан ҳамкор ва дўст бўлишдан фахрланамиз" деган сўзлари мамлакатимизда ўтказилаётган чуқур иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар Америкада ҳам қўллаб-қувватланаётганлигининг тасдиғидир.

Энг муҳим хулоса шундаки, тенглик, ишонч асосидаги истиқболга эга ҳамкорликнинг умри узун, мамлакатлар қайси бир жуғрофий кенгликда жойлашишидан қатъий назар ён қўшнидек қалин ҳамкорликда бўлиш имкони борлигини Ўзбекистон — Америка муносабатлари мисолида яққол кўриб турганлигимиздадир.

Жалолиддин САФОЕВ.

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни

КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИДА

Куни кеча Бекобод шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Конституциясининг беш йиллигига бағишланган "Жамиятни демократлаштиришнинг ҳуқуқий кафолатлари" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда Тошкентдан ташриф буюрган таниқли ҳуқуқшунос олимлар, Бекобод шаҳар, туман корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла қўмиталари, қишлоқ фуқаролари йиғинлари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни Бекобод шаҳар ҳокими Ж. Насриддинов қисқача кириш сўзи билан очди. У Бош қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида, шаҳар ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг раиси Б.О.Эшонов "Конституция ва инсон ҳуқуқлари" мавзуида маъруза қилди.

Шунингдек, республика Фанлар Академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор А. Жалолов, республика Фанлар Академияси мухбир аъзоси Х. Раҳмонқулов, фалсафа фанлари доктори, профессор М. Файзиев, Тошкент вилояти ҳокимининг муовини С. Хўжаевалар сўзга чиқишди.

Анжуман сўнггида йиғилганлар саволларига атрофлича жавоблар берилди.

(Ўз мухбиримиз).

ХУШХАБАР

ҚИБРАЙ САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

ҲАР йилдагидек бу йил ҳам Қибрай тумани сабзавоткорлари мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Натижада, ҳозирги кунга қадар салкам 40 минг тоннага яқин сабзавот топширилиб, бу соҳадаги режа анча ошириб бажарилди.

Туроб Нормуҳамедов номли, "Дўрмон", "Темирқадам", "Бўри ота", "Турон" жамоа хўжаликлари деҳқонлари сабзавотдан, айниқса, баракали хирмон уйиб, режанинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

"Байтқўрғон" жамоа хўжалигидан Қурбон ота Ҳожиев, Рисқали Зиёвуддинов, Мусамуҳамедов номли жамоа хўжалигидан Рустам Раҳимов, Ҳаким Сиддиқов, "Бўри ота" жамоа хўжалигидан Шавкат Қосимов каби фермерлар ҳам сабзавотдан мўл ҳосил етиштирдилар. Жуда кўп ижарачи, пудратчи деҳқонлар ҳам йилни ғоят самарали якунламоқдалар.

Туман далаларида кечки сабзи, қарам, турп ва бошқа маҳсулотларни йиғиштириб олиш давом этмоқда.

Н. ИСАЕВ.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦

— СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча почта-алоқа бўлимларида газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Пойтахтимизда ва вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисоблаганда:

якка обуначилар учун:	ташкилотлар учун:	Абонент қутилари бўлган тошкентликлар учун обуна баҳоси бундан ҳам арзонроқ:	Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
1 йилга — 1020 сўм	1 йилга — 1675 сўм 20 тийин	1 йилга — 804 сўм	Якка обуначилар учун — 205
6 ойга — 510 сўм	6 ойга — 837 сўм 60 тийин	6 ойга — 440 сўм	Ташкилотлар учун — 206
3 ойга — 255 сўм	3 ойга — 418 сўм 80 тийин	3 ойга — 201 сўм	

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

"Ўзбекистон почтаси" Давлат - Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК газета «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» (нашр кўрсаткичи)

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасини исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. место

(нашр кўрсаткичи)

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	Сўм	Обуна сони
	Баҳоси	Сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасини исми)

Ўзбекистон Конституциясининг беш йиллиги олдидан

ИЗЧИЛ ТАДБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Жамиятимизнинг равнақ топа бориш тамойилларини ўзида мужассамлаштирган асосий Қомусимиз — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг беш йиллигини халқимиз юксак кўтаринкилик билан кутиб олмоқда.

Умумхалқ байрамига айланган бу сана арафасида махсус мухбиримиз турли касб эгалари билан Конституциямиз кафолатлаган ҳуқуқ ва бурчларнинг амалий самаралари ҳақида суҳбатлашди.

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

Тамара ЖИГАЛИНА, Ангрен шаҳридаги 22-мактаб ўқитувчиси:

— Дилимдаги бор гапни айтай. Ўзбекистондек бағри кенг, халқи саховатли мамлакатда яшаётганимдан хурсандман. Ўқитувчи сифатида яна бир бор таъкидламоқчиман. Бутун умрим шу республика билан боғланганидан беҳад миннатдорман. Хўш, нега бу самимий сўзларни дилим тўлқинланиб айтишга шошиляпман. Аввало, кўп миллатли юртимизда ҳеч ким камситилмагани, ҳар бир миллатга ҳурмат, эътибор билан муносабатда бўлинаётганлигининг шоҳидиман. Шу мактабга қадам босган дастлабки кунларим кечагидек ёдимда. Жамоадаги илиқлик, уюшқоқлик, ўзаро тотувликдан кўнглим яйраб ишга берилдим. Шундан буён ўтган йиллар орасида фақат иззат-икром кўрдим. Ўзим ҳам бошқаларни қалбим тўрида тутдим.

Ўқитувчининг ижодий изланиб яшаши, ўз истеъдодини тўла намоён қилиши учун мустақиллик йиллари ичида яратилган барча имтиёзлардан баҳраманд бўлдим. Бундай ғамхўрликни ўз ҳаётимда ҳис этар эканман, иш жойим — севимли мактабимга, жамоага, ўқувчиларимга астойдил меҳримни бағишлаб, хизмат қилаётганимни яширмайман. Аммо камтарона меҳнатим бу қадар қадр топади, деб ўйламаган эдим. Инсон манфаатлари йили менга чинакам қувонч бахш этди. Республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан тақдирландим. Ҳамкасбларим, ўқувчиларим, қариндош-уруғларим, шогирдларим бир неча кун давомида мукофот билан табриклашгандаги шодликларимни баён этиб беролмайман.

Бунинг ҳаммаси мамлакатимиз Конституциясида алоҳида банд билан қайд этилган "...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деган сўзларнинг амалий ифодасидир. Эъзозланган юртимга ҳамиша таъзимдаман.

ҲАР САТРИ ИНСОН ХИЗМАТИДА

Иззат СУЛТОНОВА, "Маҳалла" хайрия жамғармаси Юқоричирчиқ туман бўлими раиси:

— ҲАР сафар "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси"ни қўлга олганимда ундан янги-янги маънолар топаман. Унинг ниҳоятда ўйлаб, инсон манфаатларини кўзлаб яратилганидан дилимда ажиб бир ифтихор уйғонади. Қомусимизнинг 64-моддасига эътибор қилинг, "...Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради", деган жумлаларни ўқийсиз. Бу чиндан ҳам буюк ғамхўрлик.

Етимлар, турли сабабларга кўра ота-онаси парвариши, меҳридан дариғ фарзандларни давлат ўз ҳимоясига олишни кафолатлаши ўта хайрли ишдир. Унинг амалий ифодаси бизнинг туманимизда ҳам яққол кўзга ташланади. Мустақилликнинг сўнгги икки йилида бир қатор етим болаларнинг, 17 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Туман ҳокимлиги ва жамғармамиз саъй-ҳаракати билан уларнинг ҳар бирига пул ажратилди ва омонат дафтарчалар очилди. Туман микёсида бошланган савобли тадбирлар маҳаллаларга ҳам ёйилди. Хусусан, Навоий, Янгиобод маҳаллаларида шундай тўйлар сермазмун ва файз билан ўтди.

Умуминсоний қадриятлар мужассам топган Конституциямизнинг бир қатор моддалари қарияларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган. Бу иш туманда изчил амалга оширилмоқда. Дўстлик, Султонравот, Жумабозор маҳаллаларида "Пиру-бадавлатлар", "Кексалар — ҳаётимиз файзи" давралари унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Шундай тантаналар чоғида 90 ва 100 ёшдан ошган 40 нафар нуронийларимизга турли совға-саломлар топширилди. Қурбон ҳайитида эса Жамол Абдураимов, Алпеш Соғиндиқова, Умри Матқулова, Рихси Тошпўлатова, Татьяна Кимларни моддий йўқладик, уларнинг суҳбатларидан баҳра олдик. "Маҳалла" хайрия жамғармаси армиядаги аскарларимиз билан ҳам ҳамиша алоқада. Яқин шаҳарларда хизмат қилаётган тумандошларимиз билан учрашиб турамиз, хизмат бурчини ибратли ўтаётган фарзандларни маънавий ва моддий рағбатлантириб бораяпмиз. Чирчиқдаги танкчилар билим юрти талабалари билан ўтган шундай тадбирда ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Улар конституциявий бурчини ўтаётган ўғиллари — Ватан посбонларини кўриб қувондилар. Хулоса қилиб айтганда Асосий Қомусимиз инсон эрк ва ҳуқуқларини тўла намоён этган ҳолда ишламоқда ва яшамоқда.

ЕР — БОЙЛИГИМИЗ

Рустам ЖАЙЛОВОВ, Ўртачирчиқ туманидаги "Ҳақиқат йўли" ҳиссадорлик жамиятининг бригада бошлиғи:

— КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", дейилган.

Асосий Қомуснинг бу банди, айниқса, раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки, кўпинча ерга бўлган муносабат уларнинг қонунларга қандай риоя этишига боғлиқдир. Бу жиҳатдан олганда бизнинг жамоа хўжалигимизда ердан тўғри фойдаланиш, унинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, бригадамиз бу йил 38 гектар майдонга "Наманган—77" пахта навини экиб, ҳар гектар ердан 39,4 центнердан ҳосил олди. Бу ўтган йилдагидан беш центнер кўп демакдир. Бошқа бригадаларда ҳам ҳосилдорлик юқори бўлди.

Бундай кўрсаткичларга эришишда икки омил асосан қўл келди. Биринчиси — ерга бўлган муносабатимиз. Шудгор сифатли ўтказилди. Майдонларни сув равон юрсин учун зарур даражада текислаб олдик. Иккинчиси — иш пудрат усулида ташкил этилди. Ҳар ким ўзига биркитилган ернинг унумдорлиги учун курашди. Иложи борича маҳаллий ўғитга тўйинтирилди, шарбат оқизилди, қатқалоққа йўл қўйилмади.

Экин майдонимиз унчалик катта бўлмаганлиги учун пайкаллараро йўллар, ўқариқлар очишда ҳам режа билан иш юритдик. Бизнинг жамоага мусобақадош бўлган Нажмиддин Эгамбердиев бригадасида ҳам худди шундай ишлаб, гектаридан 34 центнердан ҳосил олинди. Тажриба шуни кўрсатдики, ким ердан тўғри фойдаланса, агротехника талабларига риоя этса кўзлаган мақсадига, албатта, етади.

Шу боис, мен яқинда республика прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъати мажлисида ерга салбий муносабатда бўлиш холатлари ҳақида бош прокурор сўз юритганида ризқи-рўзимизнинг манбаи ҳисобланган ер ҳақида яна бир бор ўйланиб қолдим. Халқимизнинг бебаҳо бойлиги бунчалар талон-тарож қилинганлигига ичичимдан ачиндим. Қонун қоидани тушунган раҳбар шахслар бундай жиноий ишга қўл уришга бориб етганларидан афсусландим.

Қомусимизнинг баён этилганидек, ер умуммиллий мулкимиз, уни эъзозлаш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ: ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

ДАВЛАТ — жамият — қонун... Кўриниб турибдики, қонунсиз яшайдиган давлат ҳам, жамият ҳам бўлмайди. Ўз навбатида давлат ҳам, жамият ҳам қонун асосида ҳаёт кечиради. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзимизга хос ва мос талай қонунлар қабул қилинди. Улар Олий Мажлис ноиблари, олимлар, амалиётчилар билан биргаликда вужудга келтирилди. Иш борасида ҳорижий мамлакатларнинг тажрибалари ҳам обдон ўрганилди.

Айни кунларда умумхалқ муҳокамасига қўйилаётган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам жамиятимизнинг ўзига хос қатлами бўлмиш қалам аҳли тақдирига даҳлдорлиги билан ажралиб туради. Балким, шу боисдандир, у ўзгача акс садо бермоқда. Оддий мухбирлардан тортиб барча журналистлар, муҳаррирлар, ноширлар янги қонун лойиҳасини қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Матбуот, радио, телевидение орқали мазкур лойиҳа, унинг мазмун ва моҳияти, ютуқлари ва камчиликлари хусусида очиқ-равшан фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

1997 йил республикамизда Президентимиз ташаббуси билан инсон манфаатлари йили деб, эълон қилинди. Боз устига бу йил журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари йили ҳам бўлди, десак хато бўлмайди. Чунки, ушбу йилда республикамизда қалам соҳибларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ваколатларини мустаҳкамлаш, масъулиятларини оширишга қаратилган қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунлар ана шундай ҳужжатлар сирасига киради.

Ўзбекистонда демократик, фуқаролар давлати бунёд этилаётган экан, бунда шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларнинг катта аҳамиятга эга бўлиши ҳаммага аён.

Очиғини айтиш керак. Собиқ Иттифоқ даврида журналистларнинг амалда биттагина ҳуқуқи бор эди. У ҳам бўлса, ўша машъум ҳукумат ёхуд коммунистик мафкурага хизмат қилиш, унинг талаб ва истакларини бажариш ҳуқуқи эди. Матбуотимизни демократлаштириш йўлида мустақиллик йилларда амалга оширилган ишлар эса том маънода ўзига хос десак бўлади. Жумладан, матбуотни тўртинчи ҳокимият даражасига кўтариш, ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ёзмоқ, мавжуд аҳволни кўрсатмоқ, ҳар бир муаммога журналист муносабатини жалб этмоқ таомилга кира бошлади. Бу ҳолат маърифий-демократик мамлакатлар андозасига мослашиш, тўғрироғи, шу даражага чиқиш демакдир.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, республика Президентининг тез-тез журналистлар билан ўтказаётган мулоқотлари, матбуот конференциялари, интервьюлари ва уларда кўтарилётган масалалар, айтилаётган дадил ва очиқ фикрлар бунга ёрқин далилдир. Яқиндагина Президентимизнинг "Би-Си-Си" ва "Озодлик" радиостанцияси мухбирлари, "Известия" газетаси вакили билан қилган мулоқотларида ҳам бу масалалар очиқ ва дадил кўтарилди.

Албатта, ҳали республикамиз матбуоти тўлақонли тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарила олгани йўқ. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Назаримизда биз — журналистлар юқоридаги қонунлар ва ҳужжатлар берган ҳақ-ҳуқуқларимиздан тўлақонли фойдалана олмаяпмиз. Бунинг устига дадиллик, воқеаларга муносабатларда таҳлил ва мулоҳазалар етишмаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Лекин, бундан қатъий назар, матбуотимизда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Улар астасекинлик билан бўлса-да, ривожланиб бормоқда. Бу жараён ўз-ўзидан Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар билан боғланиб бормоқда. Бунинг учун янги-янги имкониятлар очилмоқда.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Республикамизда биринчи ўқишда қабул қилинган ва умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун ҳам ана шу катта ишларнинг бир бўлагидир. Ушбу қонун лойиҳаси ҳақида тўхталиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур қонун бугунги давр талабларига тўла мос келади. Қонундаги қатор қоидалар ва моддалар матбуотимиздаги демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга бевосита хизмат қилади.

Бу борада 7-моддани алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу модда таҳририят ходимининг мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига ёхуд ўзи гувоҳ бўлган муайян воқеани, ҳолатни ўрганиш, текшириш, таҳлил қилиш ҳуқуқига эга эканлигига асосланган. Бу ҳақиқатни адолатли ёритишда бериладиган жуда катта имкониятдир. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳомийлар иштирокига бағишланган 16-модда ҳам оммавий ахборот воситаларини ва уларнинг ходимларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. Чунки, ҳомийлар орқали газета, журнал ёки бошқа ахборот воситалари қўшимча маблағлар топиш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситалари ҳаётида жуда катта воқеа бўлади. Лекин, айни вақтда бу қонуннинг айрим моддаларига аниқлик киритиш ва қўшимчалар қилиш зарур, деган фикрдамиз. Биринчидан, қонун лойиҳасининг 17-моддасига оммавий ахборот воситаларининг муҳаррири (бош муҳаррири) ва таҳрир ҳайъати тўғрисида тўхталинган. Моддада муҳаррир ва ҳайъатнинг асосий вазифалари ўз ифодасини топган. Лекин, назаримда, у тўлақонли эмас. Бизнингча, муҳаррир, унинг ваколатлари янада аниқ ифода этилиши зарур. Маълумки, ҳар қандай нашрнинг йўналиши, чиқишини белгилашда муҳаррир қатта роль ўйнайди. Шундай экан, бу моддага "муҳаррир (бош муҳаррир) нашрнинг асосий йўналишини белгилайди, унинг ходимларини ишга олади ва ишдан озод қилади" деган сўзлар қўшилиши зарур. Бу муҳаррирнинг масъулиятини белгилашда катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Лойиҳанинг 26-моддасида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар" дейилади. Бу тартиблар (яъни жазо тартиблари) нималардан иборат? Бу қоронғу бўлиб қолган. Бизнингча, ушбу моддага ҳам аниқлик киритиш лозим.

Назаримда ушбу қонун лойиҳасидаги 9-модда яъни оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқидан кейин яна битта модда киритилиши зарурга ўхшайди. Бу моддада таъсисчининг яъни муассиснинг вазифалари, масъулияти ифода этилмоғи лозим. Чунки, ҳар бир нашрнинг муассиси бор. Ана шу нашр озми-кўпми муассиснинг топшириқларини амалга оширади. У билан ҳамкорликда ишлайди. Шундай экан, муассис ушбу матбуот нашрига ўзининг кўмагини, зарур бўлса, иқтисодий мададини бериши керак.

Бозор тизимига кириб борилаётган бир шароитда нашрларни молиявий таъминлаш, хўжалик юритишлари учун эркинлик бериш, янги имкониятлар очиш катта аҳамиятга эга. Бизнингча, қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларига, хусусан, газеталарга хўжалик ҳисоби асосида иш юритиш, ўз манбалари ва маблағлари ҳисобига турли реклама-тижорат иловалари ва махсус саҳифалар чиқариш ҳуқуқи ҳам берилса, тўғри бўлур эди. Бу пировардида ана шу нашрлардаги иқтисодий аҳволни мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш имкониятларини беради, деб ўйлаймиз.

Айни кунларда юқоридаги қонун лойиҳаси юзасидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар уни янада мукаммаллаштириш ва келгусида оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

МЕҲНАТ УНИ УЛУҒЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Конституциясида кафолатланганидек, ҳар ким меҳнат қилиш ҳукукига эга. Фидокорона ва ҳалол меҳнат эса инсонни элга танитади, обрў-эътиборини оширади. Янгийўлдаги пахта заводи жамоаси ҳам бир неча йиллардан бери фидокорлик билан ишлаб келаётган ҳамкасблари Муборак Ҳакимбоевани иззат-ҳурмат қилади. У бундай ҳурматга меҳнатсеварлиги, ўз касбига содиқлиги, бошқаларга хушмуомаласи билан сазовор бўлди.

СУРАТДА: Муборак Ҳакимбоева иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақачасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақачасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ШАРТНОМА – ҲАМКОРЛИК НЕГИЗИ

"Бекободцемтаъмир"корхонаси қолоқликни тугатиб, барқарорлик йўлига тушиб олди

Ислоҳот одимлари

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ барча цемент корхоналарининг ишини бу ҳиссадорлик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг жамоалари доим унинг кўмагига муҳтожлар. Чунки, "Бекободцемтаъмир" корхонаси мавжуд цемент заводларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширишга ихтисослашган. Унинг ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ҳар доим уларнинг хизматига шай бўлиб турадилар. Буюртма тушиши билан ёрдамга отланадилар. Бу ерда цемент, асбоцемент қувурлари, шифер, оҳак ва бошқа шу каби ниҳоятда зарур ва қимматли бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мураккаб асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун зарур бўладиган кўп турдаги эҳтиёт қисмлар ҳам тайёрланмоқда.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида мўлжалланган ҳамма режалар ҳам осонликча амалга оширилаётгани йўқ. Кўпдан-кўп муаммоларни бартараф этишга тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам жамоа ҳеч вақт қўл қовуштириб ўтираётгани йўқ, доим изланишда бўлмоқда, барча имкониятлардан аниқ мақсад йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Материаллар, хом ашё етказиб берувчи буюртмачи корхоналар билан иқтисодий алоқалар тобора мустаҳкамланиб боришига эришилмоқда. Таъминотдаги узилишлар сезиларли даражада камайди. Бу эса корхонанинг бир маромда ишлашига ёрдам берябти. Ишлаб чиқаришда юзага келган маром эса ўз вақтида топшириқларнинг тўла бажарилишига, даромад ва фойданинг, ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигининг ортишига олиб келмоқда. Шу туфайли ишчи кучи қўнимсизлиги барҳам топди, айниқса, малакали, тажрибали, ўз касбининг моҳирлари бўлган цементчиларнинг муқим ишлашини таъминламоқда.

Худди шу туфайли таъмирлаш ишлари ҳажми ва сифати муттасил ортиб бормоқда. Йил бошидан бери қатор цемент корхоналарида катта ҳажмдаги қайта тиклаш ишлари амалга оширилгани ҳолда бажарилган ишнинг сифатсизлиги ҳақида бирорта ҳам норозилик хати тушмаганлиги ҳам шундан далолат беради. Шу давр мобайнида турдош корхоналарга хизмат кўрсатиш режаси 100,1 фоиз қилиб уддаланди.

Бекобод цемент комбинати қаторидаги Оҳангарон, Қувасой, Навоий шаҳарларидаги йирик турдош корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик анча пухта йўлга қўйилди. Барча ишлар шартнома асосида олиб борилмоқда. Ўзаро алоқа қилишнинг бу шакли ўзини оқлаяпти.

Аҳдлашган томонлар шартномага оғишмай амал қилишга интилмоқда. Таъмирловчилар шундай йўл тутишяпти. Бекобод цемент комбинатининг 4-ва 5-айланувчи печларини зудлик билан таъмирлаш эҳтиёжи туғилганида "Бекободцемтаъмир" корхонаси жамоаси дарҳол ёрдамга келди. Бу ишлар барвақт бажарилди. 6-печни таъмирлаш ишлари ҳам охирига яқинлашмоқда. Айни вақтда бир гуруҳ ишчилар Жиззахдаги графитганч заводида тузатиш ишларини олиб бормоқдалар. Қўшни Қирғизистондаги цемент комбинати учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳар иккала томон учун манфаатли бўлмоқда.

"Ўзбеккурилишсаноат" компаниясига қарашли цемент ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда таъмирлаш ишлари ҳажми ортиб боришини инобатга олиб, ҳиссадорлик жамиятида янги ишчи ўринларини яратишга киришилди. Ҳозирги вақтда 100 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган байналмилал жамоа сони яна 70 киши ҳисобига кенгаядиган бўлди. Натижада яна бир таъмирлаш участкаси ташкил этилади. Иш ҳажми ҳам шунга яраша кўпаяди.

Компания ва жамият маъмуриятининг саъй-ҳаракатлари билан корхонани хом ашё ва материаллар билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланганлиги айни муддао бўлди. Йил ўрталарида Россиядан пайвандлаш электродларининг келиши қийинлашиб қолди ва унинг етишмаслиги ишда муайян мушкулликларни юзага келтирди. Лекин бундай аҳволни тезда бартараф этишга эришилди. Электродларни олишнинг янги манбаалари топилди. Айни вақтда энг кўп ишлатиладиган юпқа пўлат тунукалари ва бошқа шу каби зарур материаллар таъминоти яхшиланди. Шу туфайли йил ўрталарида содир бўлган қолоқлик барҳам топди ва бажарилган иш ҳажми ой сайин ортиб борди.

Ҳа, корхона ўзини ўнглаб олмоқда. Лекин бу ердагилар доим изланишда, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳақида қайғуришяпти. Корхона раҳбари Илҳом Қурбоновнинг келажакдаги режалари талайгина. Уларни амалга ошириш корхонани тараққиётнинг янги поғоналарига кўтариш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Корхона цехларида ўрнатилган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ҳақиқатан ҳам эскирган, уларни замонавийларига алмаштириш, имкони борича чет эл инвесторларини жалб қилиш бугуннинг талаби бўлиб қолмоқда.

Ҳориж ишбилармонлари орасида Швециянинг "Сведала интернешнл" фирмаси катта обрўга эга. Фирманинг жаҳондаги 54 мамлакатда шахобчалари, қўшма корхоналари бор. Швецияликлар тоғ металлургия саноати ҳамда тоғ жинсларини майдалашга мўлжалланган асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича ривожланган мамлакатлар орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Корхона раҳбарининг режаси, орзуси ҳам худди ўша фирма билан шартнома тузиш, фирма асбоб-ускуналарини корхонада ўрнатиш, шундай йўл билан эҳтиёт қисмларнинг четдан келтирилишига барҳам беришдан иборатдир. Яқинда компанияда бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотларда Швеция фирмаси вакиллари бундай ҳамкорликка хайрихоҳлик билдиришди. Шу режалар рўёбга чиқса цемент комбинатларида ишлатилаётган жиҳозларга керакли эҳтиёт қисмларнинг деярли ҳаммасини корхонада тайёрланиши йўлга қўйилади. Бу эса кўплаб маблағни тежаб қолиш имконини беради.

"Бекободцемтаъмир" жамоаси иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш йўлида катта довонни ошиб ўтишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Абдумурод АШУРОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАН

Бош вазир Ў. Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегациясининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар, иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янада фаоллашувига имкон беради.

Аввал хабар қилинганидек, Нью-Йоркда бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг сармоя киритиш имкониятлари тақдимоти, Америка ишбилармонлари доирасида катта қизиқиш уйғотди. Кўпчилик бизнесменлар Ўзбекистоннинг мунтазам такомиллашиб бораётган қонунчилик тизими хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли фаолияти учун барча шароитларни яратиб бераётганини мамнуният билан таъкидладилар. Уларнинг фикрича яқин вақтлар ичида қишлоқ хўжалиги сектори, машинасозлик, минерал ресурсларни қайта ишлаш ва бошқа шу каби соҳаларга Америка сармояси оқиб келиши кутилмоқда.

Вашингтонда давлат департаментида АҚШ давлат котибининг биринчи муовини С. Тэлботт билан музокаралар бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегацияси АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж. Преселнинг лавозимига киришиш маросимида иштирок этди. Ж. Пресел бўлажак иши ҳақида гапира туриб, — Ўзбекистон бекарор минтақадаги барқарор давлатдир. Мен муносабатларимизни янада юқори поғонага кўтариш учун қўлимдан келган барча ишни қиламан, — деб таъкидлади.

АҚШ энергетика вазири Ф. Пенья билан икки томонлама муносабат масалалари бўйича муҳим ва фойдали фикр алмашув бўлиб ўтди.

Савдо вазирлигида Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига қизиқиш билдирган Американинг йирик компаниялари вакиллари билан учрашув бўлди.

Делегациянинг Ўзбекистон ассоциация, банк ва компаниялари раҳбарлари намояндаларидан иборат гуруҳ Американинг йирик саноат маркази — Чикаго шаҳрида бўлиб, мамлакатимиз сармоя киритиш имкониятлари тақдимотида иштирок этдилар.

"Чейз Манхеттен банк" билан бўлиб ўтган музокаралар натижаси ўлароқ, ўзаро фаолиятни кенгайтириш тўғрисидаги битим имзоланди. "Сити-банк" АҚШ экспорт-импорт банки билан биргаликда болалар озиқ-овқати ишлаб чиқариш бўйича ускуналар сотиб олиш учун 51,4 миллион долларлик кредит ажратди. Федерал заҳира банки ўзбек молия ходимларини АҚШда қайта тайёрлашга ҳозир эканлигини тасдиқлади. Энг йирик "Кейс" корпорацияси эса "Умид" жамғармасига 100 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратди.

Б. МАМАЖОНОВ,
"Жаҳон" АА махсус мухбири.
Вашингтон.

Воқеалар тўлқинида

● ЯҚИНДА тайинланган бош вазир — Ежи Бузек Польша президенти А. Квасьневскийга Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини тавсия этди. Янги бош вазир 57 ёшда, кимё фанлари профессори, "Акция Виборча солидарност", "Эркинлик иттифоқи" партияларининг вакилидир.

● РОССИЯ Федерациясининг бош вазири Виктор Черномирдиннинг Вьетнам Республикасига қилган сафари ниҳоясига етди.

● ҲИНДИСТОН бош вазири Индер Кумар Гужрал яқинда баёнот бериб, ўз мамлакатининг ҳукумати Исроилга қарши озодлик курашида Фаластин мухторияти сиёсатини ҳамиша қўллаб-қувватлайди, деб айтди.

● АҚШ президенти Билл Клинтон ушбу ҳафта бошидан бошлаб яхши эшитишни таъминлайдиган махсус аппаратдан фойдаланишга кириш-ди. Чунки, кейинги пайтда унинг эшитиш қобилияти бироз сусая бошлаган эди.

● ОЗАРБАЙЖОН ҳукумати янги паспортлар нусхасини тайёрлаш учун Францияга буюртма берган эди. Эндиликда у 4 миллион нусхадаги ҳужжатларни олишдан бўйин товлади. Чунки, Озарбайжон тилида ёзилган матнларда хаталарга йўл қўйилган экан. Энди Озарбайжон Канадага буюртма бермоқчи.

ЭНДИ НАВБАТ — СУДЛАШИШГА

РФ БОШ ВАЗИРИНИНГ биринчи муовини Анатолий Чубайс ва унинг "дўстлари" олган қалам ҳақи атрофидаги можаро бир қадар тинчиди. А. Чубайс молия вазири лавозимидан мосуво этилди. Ленкин, президент Б. Ельцин уни бош вазирнинг биринчи ўринбосари сифатида сақлаб қолди. Яқинда эса ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси яна бир машмаша тўғрисида хабар тарқатди. Энди А. Чубайс ўз шарафи, иззат-номуси ва амалий обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида "Новая газета" мухбири Александр Минкин ҳамда жамоатчилик радиотелевидениеси таҳлилий "Время" дастури етакчиси Сергей Доренко билан судлашишга қарор қилди. Гап шундаки, улар ўз эшиттиришларида А. Чубайс шаънига кўпол, ҳақоратомуз гаплар айтишган эди. Бўлажак суддада адвокат М. Баршчевский биринчи ўринбосар вакили этиб тайинланди.

ЎЗГАГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

ДУНЁНИНГ ишлари қизиқ бўлар экан. Жорий йил ўрталарида Афғонистонда бўлган воқеалар кўпчиликнинг эсида бўлса керак. Ўшанда шимолий ҳудудлар ҳокими бўлиб турган генерал Абдурашид Дўстум "сотқинлик туфайли" мушкул аҳволга тушиб қолган эди. Унинг дўсти ва сафдоши генерал Абдул Малик Қундуз шаҳрида фитна уюштириб, А. Дўстумнинг аҳволини оғирлаштирди. Натижада, у Туркияга кочишга мажбур бўлди.

Сўнгги ойларда "Толибон" ҳаракати кучларига қарши курашда ўзгача вазият вужудга келди. Уларга қарши турган томонлар бирлашиб, ягона иттифоқ туздилар. Улар қаторида яна ватанига қайтган А. Дўстум ҳам бор эди.

Яқинда А. Малик қароргоҳи бўлган Фарёб шаҳри бирданига қуршовда қолди. Бу ишни А. Дўстум аскарлари амалга оширган эди. А. Малик Эронга кочди. Ўтган сешанба куни А. Дўстум Эрон маъмурларига мурожаат қилиб, Абдул Маликнинг қайтариб берилишини талаб қилди.

САВОЛ-ЖАВОБ

"КАССИНИ"НИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИК САФАРИ

"Ҳурматли таҳририят!

Ўтган ой ўрталарида АҚШда узоқ муддатга мўлжалланган коинот кемаси учирилиши мўлжалланмоқда, деган сўзлар қулоғимизга чалинган эди. У қандай кема? Парвоздан кузатилган мақсад? Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

О. ШОКИМОВ,
Бўстонлиқ тумани".

ҲА, бундай парвознинг амалга оширилганлиги рост. Ўтган ойнинг 15 октябри куни Гринвич вақти билан соат 08.43 дақиқада АҚШнинг Флорида вилоятидаги Кеннеди номли коинот марказидан "Кассини" деб аталган сайёралараро кема учирилди. Бундай кема чиндан ҳам ўта нодир бўлиб, айни пайтгача шунга ўхшаш мураккаб кема қурилмаганди.

"Кассини" XVII асрда яшаган Италия — Франция фалакиётшуноси Жан—Доминик Кассини шарафига шундай деб аталди. "Титан" ракетаси фазовий кемани сайёралараро траекториягa олиб чиқди. Кассини 2004 йилнинг 1 июлида "Сатурн" сайёрасига бориб етиши керак. Унгача мазкур кема 1998 ҳамда 1999 йилларда Зуҳро сайёраси яқинидан икки марта учиб ўтади. 2000 йилда эса "Юпитер" ёнидан янги куч олиб, ўз парвозини давом эттиради. Ниҳоят 2004 ва 2008 йиллар оралиғида "Сатурн"ни 74 марта айланади. Шунингдек, "Кассини" "Сатурн"нинг энг катта йўлдоши "Титан" атрофида ҳам 45 марта парвоз этади. "Титан" катталиги жиҳатдан тахминан "Миррих" сайёрасига тенгдир. 2005 йилнинг 6 ноябрида "Кассини" "Сатурн" сатҳига "Хьюгенс" космик зондини туширади. У Голландия олими Кристиан Хьюгенс шарафига шундай деб аталди. Қисқаси, "Кассини" кемасининг парвози муваффақиятли ниҳоясига етказилса, Қуёш атрофидаги сайёралар ҳаётини ўрганишда бўладиган улкан кашфиётларга йўл очади.

"Кассини"нинг учрилишига қаршилик қилганлар ҳам бўлди. Улар мазкур кемага электр қуввати бериб турувчи 32 килограмм ҳажмидаги 238-плутоний жамламасининг портлаб кетиши мумкинлигидан чўчимоқдалар. Аммо, ҳукумат ва холис мутахассисларнинг фикрига қараганда, бундай портлашнинг юз бериши эҳтимолдан жуда йироқ. Чунки, плутоний жамламаси ўта мустаҳкам пўлат қобиқлар ичига жойлаштирилган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● ИТАЛИЯДА бир неча йил давомида даҳшатли ҳодисаларга сабабчи бўлган "Қизил бригада" деб номланган террорчи ташкилотнинг аъзоларидан бири Энрико Бьянко Греция ҳудудида қўлга олинди. У ўн тўққиз йил давомида қидирилди. Э. Бьянко 1978 йилда Италиянинг собиқ бош вазири Альдо Морони ўғирлаш ва ўлдиришда бевосита иштирок этган эди.

● ШУ КУНЛАРДА Францияда "Тим Ван Дейк" деб аталган асар қўлма-қўл бўлиб кетди. Зеро, ўнда ўтган асрда яшаб ўтган машҳур бир қарокчининг саргузаштлари ҳикоя қилинади. Энг қизиғи шундаки, бу китоб Париж мактабларидан бирининг 37 нафар ўқувчиси қаламига мансубдир.

● "ОСТИН Кембриж" автомобили қачонлардир Буюк Британиянинг собиқ бош вазири У. Черчиллга тегишли бўлган эди. Яқинда у кимошди савдосида 66,4 минг фунт стерлинг (112 минг доллар)га сотилди.

● ЧИЛИ пойтахти Сантьяго атрофида бахайбат каламушлар кўпайиб кетди. "Рейтер" ахборот маҳкамасининг хабарларига қараганда, уларнинг узунлиги 60 сантиметрга етади. Каламушлар уй ҳайвонлари — қўйлар, эчкилар, товуқларга қирон келтирмоқда. Олимлар бундай маҳлуқларнинг пайдо бўлишини экология муҳитининг бузилиши билан боғламоқдалар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Янграсин шўх яллалар».
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас касб соҳиблари».
9.30 Болалар учун. «Омад юлдузи».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик» почтаси.
10.35 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.55 Кино янгиликлари.
11.10 «Хасад». Бадиий фильм.
12.55 «Кетмас давлат берсин».
13.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
14.05—14.35 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.35 «Олам ва одам».
18.55 «Аср муаммоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қалб минбари».
21.20 Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги I Республика хонандалари кўрик-танлови совриндорларининг концерти.
22.15 «Қимирлаган қир ошар».
22.25 «Келин-куёв». Телешоу.
23.05 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 6-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Табиат дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55—00.05 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.35
*
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Тўрт шим ва чит кўйлак». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.20 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Ракурс».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Авторейд».
20.30 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 3-серия.
21.25 «Умр баҳори».
21.40 «Спорт-тайм».
22.10 «Тасвир—97». Танлов якунлари. 2-қисм.
22.35 «Умид».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
8.55 Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги I Республика хонандалари кўрик-танлови совриндорларининг концерти.
9.45 Биржа ва банк хабарлари.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ботма, куёш». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Инглиз тили.
*
11.30 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.
12.10 «Рақс, рақс, рақс».
12.25 «Давр ва таълим». Адабий кўрсатув.
13.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
14.05—14.35 Ўзбек халқ куйларидан концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғаройиб саёҳат». Мультфильм.
18.20 «Ғалҳон ёшлигим».
18.40 «Ислоҳот ва масъулият».
19.00 «Бизга мактуб йўллабсиз».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15, 23.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Аждодлар руҳидан таралган наво».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бўсағасида».
21.30 Телетанлов. «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Андижон вилояти.
22.20 «Санъаткор саодати». Э.Лутфуллаев.
22.50 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси 7-қисм.
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кино ҳақида...»
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.55 Кундалик.
23.05 «Бизнинг авлод».
23.20 «АКС».
23.40 Ишбилармонлар ҳафтаси.
23.55—00.05 Кундалик.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 Томошабинлар талабларига биноан концерт.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Коттон» клуби». Бадиий фильм. 1-серия (АҚШ).
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 20.55 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Жонли тил».
21.00 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 4-серия.
21.50 «Дурдаршан».
22.20 «Моҳир».
22.45 «Телефакт» (Маданият янгиликлари).
22.55 ТВ-IV да немис тўлкини.
23.20 МУсиқий дақиқалар.
23.25 «Америкага бир назар».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Санъаткор саодати». Э.Лутфуллаев.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бобур».
9.20 «Талаба ва спорт».
9.40 «Оламни асранг!»
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Маҳорат».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм 7-қисм.
12.40 «Сайқал». Видеоканал.
13.40 «Тасвирга кўчган кўнгил».
14.05—15.25 «Оролга сайр». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ўз ўрнинг бор».
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.45 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.00 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
21.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни».
21.50 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Киноконцерт.
22.45 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 8-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кино ҳақида...»
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45
*
22.45 «Эълонлар.
22.50 «Коттон» клуби». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.45 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Нафосат гулшани».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.55 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 5-серия.
21.50 «Мурувват».
22.30 «Автосалтанат».
22.40 «Азизим...».
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўшиқ билан кўраман оламни».
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
9.25 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
9.40 «Қишлоқ стадионларида».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Она тили.

*
11.30 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм 8-қисм.
12.10 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.40 Болалар учун. «Ҳикматлар ҳазинаси».
12.55—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Ўзбекистон қаҳра-монлари». Бўрон Рўзиев.
18.45 «Акция ва акциядор».
19.00 «Эъзоз». Телеочерк.
19.25, 20.25, 20.55, 22.05, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига. «Конституцион суд: бугун ва эртага».
21.20 «Эъзоздаги қўшиқ-лар».
21.50 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
22.10 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 9-қисм.
22.50 «Битик». Адабий-маърифий кўрсатув.
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Мультипанорама.
9.20 «Синфдош».
9.40 «Бари ҳазил».
9.55 «Мусиқа салтанати».
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Кенгга кенг дунё».
11.25—13.00 Видео—«О».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Эгиз қўшиқлар».
19.10 «Қатрада қуёш».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сайёралар рақси».
20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Мусиқа теграсида».
21.40 «Одобнома».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кино жавонидан».
23.40—23.50 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45
*
22.45 «Бисотли аёл». Бадиий фильм. 1-серия.
23.30 — 23.50 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.30 Эълонлар.
19.05 «Санта Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Ҳамшаҳарлар».
20.10 «02» тўлқинида.
20.25 «Минг бир маслаҳат».
20.40 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 6-серия.
21.35 «Каталог».
21.45 «Интерспорт».
21.55 «Чинсэн».
22.25 «Дурдаршан».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Эъзоздаги қўшиқлар».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Куй ва соз соҳиби».
9.30 «Авлод». Публицистик кўрсатув.
9.50 «Танаффус». Мульт-фильм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Умид учқунлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Тасвирий санъат.
*
12.00 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
12.40 «Санъат дўстликка чорлайди». Сўғдиёна» — Қоҳирада.
13.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.30 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.05—15.25 «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғойиб бўлди осмонда қуш». Мультфильм.
18.20 Болалар «Хотира» китоби. Қ.Муҳаммадий таваллудининг 90 йиллигига.
18.50 «Мулкдор».
19.15 «Шеър ва шуур».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Чемпион билан учрашув».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига. «Қўшиғимдасан, Ватан». Мусиқий дастур.
22.05 «Сеҳрли шўъла». Киноқўрсатув.
22.25 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 10-қисм.
«Мунаввар дунё». Маърифий-дам олиш дастури:
23.10 «Олам».
23.30 «Инсон». Кинокомпозиция.
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 16-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.25 «Ахборот».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Эгиз қўшиқлар».
9.55 «Қатрада қуёш».
10.10 «Сайёралар рақси».
10.30 «Сир».
10.40 «Мутойиба».
11.00 «Мусиқа теграсида».
11.20 «Одобнома».
11.30—13.10 Кино жавонидан.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.40 «Камолот».
19.00 «Эслайсизми?»
19.10 «Яхши дам олинг».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубль».
20.10 «Тақдим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 Мусиқа ва рақс.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25 «Бокс, бокс, бокс».
23.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.30—00.40 «Даракчи».

III

18.15 Янгиликлар.
18.20 «Эртак учун раҳмат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.30 — 21.35
*
21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.45
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Бисотли аёл». Бадиий фильм. 2-серия.
23.30 — 23.50 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.20 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Осиё» монитори.
20.50 «Уй остонадан бошланади».
21.25 Араб эстрадаси.
21.50 «Ширу-шакар».
22.20 «Йиллар ортидаги йўллар».
22.50 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
8.50 «Шоҳруҳ» клуби.
9.10 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 16-қисм.
9.55 «Зиёрат».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.05 «Орзулар қанотида».
10.25 «Талабалар саҳнасида».
10.55 «Туташ томирлар».
11.10 Ю.Розиқов. «Тартиб». Кўп қисмли видеофильм. 10-қисм.
11.50 Футбол. Мавсум якунига доир мулоқот.
13.20 «Меҳр макони».
13.40 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
14.05—15.05 «Сўз санъаткори». Абдулла Каҳҳор таваллудининг 90 йиллигига.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 Ёшлар учун. «Нима учун?»
18.40 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Нафосат гулдастаси».
21.55 «Дунё бўлди, чаманим маним».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.35 «Сен учун». Киноконцерт.
22.55 «Имкон чўққилари».
23.05 Микель Плачидо «Шов-шув» фильмида. 4-серия.
00.50 «Мунажжим башорати».
00.55—01.00 «Тунги пойтахт таронаси».

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
9.20 «Камолот».
9.40 «Эслайсизми?»
9.50 Дубль.
10.05 «Тақдим».
10.25 «Ривоят».
10.35 Мусиқа ва рақс.
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25—12.45 Бокс. Бокс. Бокс.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Таянч».
19.15 Дилором наволар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Глобус». Телеальманах.
20.30 «Ахборот».
21.00 ТВ ва театр.
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 Мафгункор чеҳралар.
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео—«О».
00.20 Интерфутбол.
00.40—00.50 «Даракчи».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.25 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Бисотли аёл». Бадиий фильм. 3-серия.
23.00 — 23.20 «Мовий қуш». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 Шанба эртаги.
10.45 «Кросс-Роудс кафеси»га хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: Инглиз тили — ҳамма учун).
11.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.00 — 12.20 «Корейс тилини ўрганамиз».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда куйлайлик».
20.45 «Спектаклдан сўнг».
21.15 Далил ва шарҳ.
21.25 «Самодаги олмослар». Телесериал.
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.35 «Хит-коллекция».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Олам». Кинокўрса-тув.
11.20 «Туйғулар жаранги».
12.00 «Зийнат».
12.20 Ёшлар учун. «Мен билган, билмаган дунё».
12.40 «Қувноқ стартлар».
13.25 «Халқ ижодиёти».
13.45 «Излаган имкон топар».
14.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
14.45—15.35 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўнғироқча».
18.20 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига. «Йигит омон бўлса».
18.45 «Марҳабо, талантлар». Киноконцерт.
19.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Қўлчалар». Теленовелла.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшоми-да». Мусиқий дам олиш дастури.
21.35 Телевизион миниатюралар театри.
22.10 «Спорт, спорт, спорт».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.30 Кино янгиликлари.
22.45 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.05 «Парадизо» кинотеатри». Бадиий фильм.
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
9.35 «Қонун ҳимоясида».
9.45 «Таянч».
10.00 Дилором наволар.
10.10 «Бизн

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

КУБРОНОМА

ИККИНЧИ ИБРАТ

Ёғий турар эди бемажол,
Қани Гурганч? Қани у жаннат?
Бир кечада учиб қуш мисол,
Фалак сари кетдими кўчиб?
Шаҳри Гурганч кўринмас кўзга,
Ўрни эса яйдоқ бир яйлов.
Тил айланмас бир оғиз сўзга.
Ҳалокунинг кўзида олов.
Лашкар турар қимир этмасдан,
Бу синоат қаршисида тек.
Сўнгги денгиз сари етмасдан
Наҳот қўяр зафарларга чек?!
— Бу Кубронинг ишидир бари, —
Ялтоқланар Қулназар Тусий. —
Илму ҳикмат ила шаҳарни
Қўйган ёғий кўзидан тўсиб.
— Чораси не? — ёнар бетоқат
Ҳалокунинг ошиб алами.
— Урганчликка кўринар албат.
Топиш керак шундай одамни.
Зир югурар аскари мўғул.
Яйловларда кўтариб тўзон.
Келтирдилар, ғулдирар нукул
Қўрққанидан бечора чўпон.
Саркардани кўрдию шу он
Омон тилар кўзларин ёшлаб.
— Бор, — буюрди Ҳалоку, — чўпон —
Бор, билиб кел, Гурганчда не гап.
Чўпон кетди отини суриб...
Ўзга эди шаҳар ичра фол.
Сон-саноқсиз лашкарни кўриб,
Хоразмшоҳ тутамлар соқол.
Жон кўзига кўринди ширин,
Яқинларин йиғди ёнига.
Дарвозага келди яширин,
Қўрқув иниб жисму жонига.
Кўрса Кубро наҳ бургут мисол.
Ўлтирибди оёғин ташлаб —
Худди алпдек қўш дарвозага
Таъзим бажо айлади дарҳол,
Мойил бўлиб чин муросага
Хоразмшоҳ деди сўз бошлаб:
— Пирим, тортинг оёқни бироз,
Изн беринг, кетайлик чиқиб,
Ёғий биздан устунлиги рост.
Ташлолмасмиз аларни йиқиб.
Қабоғини кўтариб хиёл
Боқса Кубро — турар ҳукмрон.
Расо қадди қўрқувданми дол,
Хоразмшоҳ эланар чунон...
"Шоҳимми шу, ё раббил олам,
Бўлган экан қиёмат тоза!
Кел-эй, — ўйлар пири бокарам, —
Қўрқоқларга очиқ дарвоза..."
Йиғиштирди оёғин, аммо
Мўғулларга кўринди шаҳар.
Урҳоларга тўлади само.
Гурганч сари ташланди лашкар.
Ёраб, нетонг, — ҳайратда Кубро,
Не синоат, бу қандайин сир?!
Ҳалокунинг жиловин ушлаб,
Келар эди ҳазрати Хизир.
Сўрар ундан ботинан Кубро:
— Бу тадбирнинг не бўлар шарҳи?
Қулоғига келади садо:
— Оллоҳ амри шундайдир, шайхим!
Англади шайх, бефойда энди
Илму ҳикмат ила сақлаш жон.
Қаддин ростлар: мадад бер, тангрим!
Олди қўлга найзаю қалқон.

УЧИНЧИ ҲАЙРАТ

Аслим истаб тарихни титдим.
Гоҳ ёндим, гоҳ ўзни унутдим.
Гоҳ хурсанд, гоҳ зардоб ютдим
Ҳар гал битта улуғ сўз битдим:
Ватан учун яша ҳар замон!
Майли, сўзни бошлай йироқдан,
Тўмарисдан — чехраси моҳдан,
Спитамен отлик сипоҳдан
Сўз тингладим чўпон Широқдан:
Ватан учун яша ҳар замон!
Юртни севган ҳамиша тирик,
Қўрқоқ, хоин жисмидир ўлик.
Ибрат бўлсин ул Темур Малик
Садо берди "Қутадғу билик":
Ватан учун яша ҳар замон!

Торобийдан олайлик улгу,
Бир томчи қон — мардликка белги,
Инмасин ҳеч ёғийга кулги
Муқаннанинг сўнг сўзи шулки:
Ватан учун яша ҳар замон!
Соҳибқирон ўгитин эт ёд,
Юрттузар деб чиқарди ул от.
Енгмоқ учун керакдир сабот
Доим бўлсин шул сўз зўр қанот:
Ватан учун яша ҳар замон!
Мардлик учун танланмас фурсат.
Ҳар жабҳада ўзлигинг кўрсат.
Шон келтирмас чекилсанг узлат
Бўлмасин-чун армонинг қат-қат:
Ватан учун яша ҳар замон!
Ватанинг бор — мутъе қулмассан,
Қул бўлсанг гар асти кулмассан,
Асл ўғлон эсанг ўлмассан
Битта гулсан, асло сўнмассан:
Ватан учун яша ҳар замон!

УЧИНЧИ ИБРАТ

Остонада тўхтади ёғий,
Важоҳати оч бўри мисол.
Хоразмийлар ишонган тоғи —
Шайх Кубро ҳам эди ҳайрон, лол.
Ёраб, нечук бундоқ синоат,
Гуноҳимиз шунча беадад?
Чингизийлар қилур шижоат,
Қандоқ қилсин соҳиб каромат!?
Чопар йўллар Ҳалоку қоон:
"Шайх қолмасин оёқ остида
Чиқиб кетсин, бераман фармон,
Қарамасмиз баланд-пастига".
Таҳсин айтди шайх бул ҳимматга:
"Мен бир ўзим кетмасман зинҳор,
Ўғилу қиз, навкар хизматда —
Яна анча ёзуқларим бор".
Чопар яна келтирди хабар:
"Майли, шундоқ бир йўл тутсинлар,
Ёзуқлари кўп эрса агар
Ўн чоқ бўлиб чиқиб кетсинлар".
Кулиб Кубро айлади имдод:
"Аё чопар, хизмат қилгайсан.
Яқинларим ўнтадан зиёд,
Бориб Қоонга айтиб келгайсан".
Ҳалокунинг ғазаби қайнар:
"Қилса қилар ул дуои бад.
Қолмасимдан аҳдимдан айнаб.
Юзта бўлиб кетсинлар Ҳазрат".
Чопар яна қайтар қалъага.
Ҳалокунинг амрин айтади.
Шайхнинг кўзидаги шуълага —
Қараб англар, ортга қайтади.
"Боргил, чопар, илинжим йўқдир.
Хоразмни ташлаб кетмоққа.
Яқинларим юзтадан кўпроқ.
Кетманг дея менга айтмоқда".
Халокунинг кўзлари ёнар.
"Изн бердим яна бир марта.
Мингта бўлиб кетсинлар магар.
Шунча одам кетса албатта".
Чопар кутар шайхнинг сўзини.
Мокидайин токай қатнайди.
Бир нур қоплаб юзу кўзини.
Шайх гапини тизиб ташлайди:
"Халқим менга дўсту ёр бугун,
Яхши кунда бўлди мададкор.
Энди нечун кетмоғим даркор.
Юрт бошига тушса қора кун?!
Яхши кунда ошини едим.
Дастурхондан тотиндим намак.
Чопар, сенга дилдагин дедим:
Бўлолмасмен асло кўрнамак!
Чиқмагайман кўҳна Гурганчдан,
Халқим нима бўлса — бўлурман.
Маҳрум этма мени қувончдан.
Бирга яшаб, бирга ўлурман!"
Халокуннинг тугар тоқати,
Шайхнинг сўзи тиғдек туйилди,
Ушбу мардлик жисмин ёқади,
Мўғул худди селдек қуйилди.
Сурон келди Гурганч. Қиётга.
Саркардалар довулни қокди.
Шайх Кубро ҳам минади отга,
Мадад тилаб қодир Оллоҳдан!

Темур УБАЙДУЛЛО.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

(Давоми бор).

"ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН..."

Халқ табобати

— Кўп яшанг, холажон, илойим қўлингиз дард кўрмасин...

Қўли кўксида, бетиним ўз ҳалоскорига мамнуният изҳор этаётган кексароқ ёшдаги Мавлуда холанинг юзларидан энди оғриқ азоби бироз чекинган, жисмижонига ҳаловат киргандек ўзини бирмунча енгил ҳис этарди.

— Насиб этса, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз, айланай, кўпам қайғурманг. Фақат буюрган малҳамларимни вақтида боғласангиз бас. Оллоҳ шифо бersин.

Сулув ая нажот истаб келганларни илиқ калом билан кузатади.

— Фалокат оёқ остидада, болам, кексаликда дардни енгиш осон эмас. Кўпинча нораста гўдакларни олиб келишса, уларни кўриб юрагим зирқирайди. Синган-чиққанларни қўлимдан келганча даволайман, муолажаларим тез наф бериб кетса, ўзим ҳам енгил тортаман. Беморларим тузалиб кетгач, улар билан она-боладек қадрдон бўлиб қоламиз.

Яхшилик дилда узоқ яшайди. Сулув аянинг жуда кўп одамларга нафи тегди. 75 баҳорни қаршилаётган аянинг ҳозирда ҳам кўпларга ёрдами сингмоқда.

— Қўлингиз рентген асбобининг ўзи, дардни дарров илғайди, — кулади чангилик Қулмат деган укам, унинг ҳам ёнғоқдан йиқилиб икки қўли синган эди. Ҳозир отдек бўлиб кетган. Бундайларнинг сон-саноғи йўқ. Ўзимча беморларимнинг рўйхатини олиб борардим. Кўкламда уйимизда газдан ёнғин содир бўлиб...

Ая чуқур хўрсинди. Унинг қарчиғайдек ўғли Шерзоджонни ва ўз табобати сир-асрорларини ўргатиб, оқ фотиҳа берган қизи Ҳурсанойни бевақт ўлим олиб кетди. Кетмакет келган қайғулар унинг бошига оқ қорлар ёғдирди, кўзлари ожизлашди. Шундаям у ҳаётдан нолимайди, дориломон кунларни алқайди.

У ўзининг 11 фарзанди қаторида турмуш ўртоғининг олдинги турмушидан бўлган 3 ўғил-қизини ҳам тилидан бол томиб гапиради. Улар ҳам фарзандлари қатори бағрида униб-ўсган, тарбиятини олган, ахир.

— Раҳматли бувангиз ўтганига 27 йил бўлди. Иккита фарзандимиз уйли-жойли бўлганди, қолганларини машаққат чексамда, катта йўлга олиб чиқдим. Яхшилар далда бўлишди. Кенжа қизим Ҳаётхон илм йўлидан кетди, тарихга қизиқади. Униям орзу-ҳавасини кўрсам, дейман...

— Келинларингиз ҳам кўп экан...

— Келинларимдан нолимайман. Ўғилларимнинг кўксини тоғ қиладиган ҳам, доғ қиладиган ҳам шулар. Ака-укани қовуштириб, ўзаро иттифоқ бўлишларига аввало аёллар сабаб бўладилар. Бу йўлда Оллоҳ ҳеч кимдан ҳидоятини аямасин.

Сулув ая ҳақ. Ахир у босиб ўтган умр не-не талотўпларга, қайғу-қувончларга бой. Яхши-ёмонни ҳам, уруш ситами-ю, дала заҳматини ҳам, фарзанд тарбияси машаққатини ҳам обдон бошдан кечирди. Аёл боши билан тегирмон юргизди, тоғу-тошда ўроқ ўрди. Бировга қаттиқ гапни раво билмади.

Арзимас гина-кудурат сабаб, ҳатто туғишганлар бир-бирларидан бегоналашиб бораётганликлари, хотинларининг носоз муросалари туфайли бир-бирининг ёқасидан бўғаётган ака-укалар ҳам борлиги ҳаётий ҳақиқат эмасми?! Кексалар бот-бот бир сўзни такрорлашади: Юк кўтарган юзага чиқар. Бу нақл Сулув ая Ниёзовага умри давомида шиор вазифасини ўтади.

Шукурки, ўзликни англаш баробарида халқ табобати ҳам рўшнолик кўра бошлади. Табибнинг оши ҳалол, у ҳамиша одамларга даркор. Илгари Сулув аянинг отаси Ғойибназар синиқчини Паркентдагина эмас, вилоятда ҳам яхши билишган. Энди ая отасидан ўрганган табибчилигини қизи Гулнорага ўргатиб, унга фотиҳа берди. Гулнора ҳам табиий малҳамлар воситасида беморларни даволамоқда.

Ҳисорак қишлоғилик Сулув аянинг бағрини неварачеваралари тўлдирган, унинг хонадонига келган ҳар бир кишининг тилидан "Қўлингиз дард кўрмасин" деган эзгу дуо тушмайди.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.
Паркент.

КЎЗГА КЎРИНМАС БАЛО

1 декабрь — Бутун жаҳон СПИДга қарши кураш куни

Жаҳон аҳли орасида кўзга кўринмас бало — СПИДга дучор бўлаётганлар сони йилдан-йилга кўпайса кўпаймоқдаки, аммо бу дард чекинаётгани йўқ. Ваҳоланки, унинг фожиали оқибатлари ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳар йили ташвиш ва афсус билан ёзадилар, фуқароларни огоҳлантирадилар. Шунга қарамасдан, жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра, ҳозирги кунларда бу хасталикка 30 миллиондан кўпроқ одам дучор бўлган. Уларнинг 2 миллиондан зиёдроғини болалар ташкил этиши, ҳар куни ажал нафаси бурқсиб турган шу касаллик ўз домига 8 мингдан кўпроқ кишини олаётгани ҳақида ўйлаганингда, унинг ёвузлиги янада равшанроқ намоён бўлади.

Айниқса ўтган йили СПИД беаёв хуруж бошлади. Бу дард инфекцияси 10 миллиондан ортиқ аёллар вужудидан "бошпана" топди. Улардан 2 миллион нафарини тамомила у дунёга равона қилишга тайёрлаб қўйди. Ҳам ачиниш, ҳам надомат билан шуни айтиш керакки, дард болалар ўртасида ҳам кўпайиб бормоқда. СПИД дунёдаги айрим миллатларнинг бошига тушган оғир кулфатга айланди. АҚШ, Африка, Оврупо, Осиё қитъаларига кирувчи давлатлар бир неча йилдирки, касаллик азобини тортиб келмоқдалар, унга чалинганлар эса ҳаёт билан видолашмоқдалар.

Кўплаб кишиларнинг ёстиғини қуритаётган бу касалликдан мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар ҳам ҳоли эмас. Бу юртларда СПИД инфекциясига чалинганлар сони 2,5 минг кишидан кўпроқдир. Улардан 253 нафари тўлиқ касалланганлар рўйхатида туради. Россияда бу дард юққанлар сони 2439 кишини, касалликка таслим бўлганлар сони эса 295 кишини ташкил этади.

Бизнинг республикамизда ҳар йили чора тадбирлар кўрилишига қарамай етти киши бу инфекцияни ўзида олиб юрибди. Бир киши касалланган, учта бемор эса оламдан ўтиб бўлди. Лекин бу рақамлар қанчалик оз кўринмасин, унга қарши кураш давом этмоқда. Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистонда махсус қонун қабул қилинди. Касалликни тарқатиши мумкин бўлган шахслар жиддий назоратга олинди. Дарднинг келиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадида дастур ишлаб чиқилди. Республика соғлиқни сақлаш ва халқ таълими вазирликлари қатор тадбирлар белгиладилар.

Пойтахтимизда касаллик бўйича ташхис қиладиган лабораториялар, ишонч хоналари ташкил қилинган. Хоҳлаган киши бу жойларга келиб ўзини текширтира олади. Текшириш жараёни мутлақо сир сақланади.

Тошкент вилоятининг Тошкент тумани Дархон даҳасидаги "Оқ олтин" касалхонасида вилоятнинг СПИД бўйича назорат маркази жойлашган. Исталган тақдирда 21-05-50 рақамли телефон орқали мурожаат қилиш мумкин.

Илгарилари ҳам СПИД ҳақида аҳолига кўп маълумотлар берганимиз туфайли, унинг пайдо бўлиши, юқувчанлиги ҳақида батафсил гапириб ўтирмадик. Сабаби СПИД жинсий алоқалар жараёнида, бу дардга йўлиққанлар орқали юқиши, ҳатто оғиздан ҳам ўтиши, турли муносабатларда болаларга кўчиши тўғрисида кўп ёзилган. Фақат талаб ва илтимосимиз шу: жинсий алоқада поклик, ҳушёрлик, биз айтиб ўтган марказлардан аноним тарзда назоратдан ўтиб туришлик бу дардга йўлиқмаслик учун бирдан бир кафолатдир.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

СПОРТ

Муай-тай

ҚИРОЛ КУБОГИ СОВРИНДОРЛАРИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқ ва совринлари тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда спортнинг муай-тай тури бўйича Тайландда қирол кубоги анъанавий халқаро мусобақалари бўлиб ўтди. Бу нуфузли мусобақада қатнашган юртдошларимизнинг деярли барчаси совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Тоҳир Мирсамадов билан Диёр Пўлатовлар барча рақибларини мағлуб этиб, ҳурмат шохсупасининг энг юқорисидан жой олишди. Элдор Хайрулин, Дилшод Набиев ва Зафар Каримовлар иккинчи, Шуҳрат Муслимов, Алишер Тўхтамишев, Бахтиёр Сатторовлар учинчи мукофотли ўринларни қўлга киритдилар. Тоҳир Мирсамадов эса энг чиройли беллашуви учун алоҳида махсус соврин билан ҳам тақдирланди. Мазкур спорт тури бўйича ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида ҳам фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Қўл тўпи

АЁЛЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ, ЭРКАКЛАР!

КУНИ КЕЧА мазкур спорт тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Германияда аёллар ўртасида ўтказиладиган жаҳон биринчилигининг финал беллашувларида қатнашиш учун жўнаб кетди. Биз қизларимизга омад тилаган ҳолда эркакларимизга "Аёллардан ўрнак олинг" демоқчимиз. Ҳозирча эса эркаклар жамоалари Ўзбекистон биринчилигининг биринчи давра ўйинлари билан "машғул" бўлиб туришибди.

Олти жамоа иштирокида олий табақанинг биринчи давра ўйинларида Чирчиқ жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Вилоятимиз вакиллари ТошДУ жамоасини 34:21, "Наманганмаш" гандболчиларини 35:28, "Тўқимачи" (Қўрғонтепа) клубини 41:28, Ихтисослашган болалар, ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби талабаларини 20:8 ҳамда "Қурувчи" (Чирчиқ) жамоасини 37:17 ҳисобида мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллаб туришибди.

Об-ҳаво

САЛОМ, ҚИШ!

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига кўра 29 ноябрдан 3 декабргача бўлган кунлар оралиғида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг қисман ўзгарувчан келиши кутилади.

Айрим тоғли туманларда қисқа муддатли ёғингарчилик эҳтимоли бор бўлиб, кечалари 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари эса ҳарорат аста-секин кўтарилиб, 7-12 дан 11-16 даражагача илиқ бўлади.

"ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ"
Республика бирлашмаси
Тошкенбой Эгамбердиев номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН

1997 йил 25 декабрь-1998 йил 11 январь кунлари
Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида
"ЦИРКДА АРЧА"
"ЖОНЛИ СУВ" ЁКИ ЧИЖИК ВА ПИЖИКНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ
ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Қорбобо, Қорқиз ва эртакларнинг қаҳрамонлари.
ДАСТУРДА ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ ВА ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ.
ТОМОШАЛАР: 25, 26, 27, 28, 29 декабрь кунлари соат 10, 12, 14, 16.00 да;
31 декабрь соат 16.00 да;
1 январда соат 10.00 да
3, 4 10 январь соат 18.00 да;
11 январь соат 10, 12, 14, 16, 18.00 да БОШЛАНАДИ.
Олдиндан чипталар сотиш ташкил этилган.
10 ноябрдан бошлаб чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ОЧИҚ.
Маълумот олиш учун телефонлар: 144-35-91,144-35-89, 144-29-04.

Ангрен шаҳар ҳокимлиги автобус-таксомотор саройи директори, халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг депутати
Александр Никитич
КАЛИНИЧЕНКОнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИ
"ЎЗБЕКНАВО" гастрол-концерт бирлашмаси
Тошкент вилоят бўлими
ФАҚАТ БИР КУН!!!
20 декабрь соат 18.00 да
"ҚУШИҚ-ЛА ЭЛГА МАНЗУР ХОНАНДАЛАР"
— АЗИМ МУЛЛАХОНОВ
— ТОШПЎЛАТ МАТКАРИМОВ
— АБДУЖАББОР ЛАТИПОВ
— АБДИРАҲИМ МУҲАМЕДОВ
— ИЛҲОМ ФАРМОНОВ
— "ШАҲЗОД" ва ""СОРБОН" гуруҳларининг катта ЯНГИ ЙИЛ дастури
кечада бошқа таниқли санъаткорлар қатори
қизиқчиларнинг қизиғи
ва қизиқчиларнинг сардори
иштирок этадилар.
Уларнинг кимлигини ўзингиз топинг.
Ўзининг ҳазил-мутойибалари билан
МАДИНА МУХТОРОВА
қатнашади.
Дастурларни ЗУҲРА АШУРОВА
ВА МИРСОЛИҲ СОАТОВ
олиб борадилар
ШОШИЛИНГ – АРМОНДА ҚОЛМАНГ!!!
Чипталар сарой кассаларида сотилмоқда.
Маълумот учун телефонлар: 45-92-51, 64-83-43, 64-84-93.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0734. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 8.734 нусха.

"**Шарқ**" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6